

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

**Технология факултети
Касб таълими (Озиқ-овқат технологияси)
кафедраси**

Битирув малакавий иши

26-ООТ-09 гуруҳи талабаси

Акбаралиева Муниса Валиевнанинг

**Мавзу: Бақлажон ва бошқа сабзавотлардан кам
нордон салой консервалар ишлаб чиқариш
технологиясини яратиш.**

Наманган-2013 йил

Кириш

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасининг саноати, асосан, хусисий татибда қайта шаклланмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ташкил этиши ва ривожланиши маҳаллий ҳокимиятлар ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг “Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш” бўлими томонидан назорат қилинмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида янги корхоналарнинг барпо этилиши ассортиментнинг ўзгариши эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Консерваланган маҳсулот ички бозорни тўлдириш қўшни мамлакатларга экспорт қилиш учун ишлаб чиқилмоқда. Маҳсулотнинг айрим турлари Европа бозоридан мустахкам ўрин тутган ва Республикамиз учун яхши даромат келтирмоқда. Булар томатдан тайёрланган пуре ва паста бўлаклар қурилган томат, пиёз, ўрик, олма, шафтоли, бутун қурилган ўрик, олхўри, узум мевалари шунингдек олма узум анор шарбати ва концентратларидан.

Асептик консервалаш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ёппасига пишган даврида катта идишларида дастлабки, қайта ишланган ҳолда уларнинг захирасини яратиш имконини бермоқда. Даладаги пишиқчилик мавсуми тугаганда, ушбу маҳсулотни қайта ишлаш жараёни охиригача олиб борилиб, майда тараларга қадоқланади. Натижада консерва корхонасининг ишлаш мавсуми узаяди. Узликсиз ишловчи стерилизатордан фойдаланиш консерва заводининг қуввати кескин кўтараяди.

Маҳсулот сифати ошиши стандартларнинг қўлланилиши сезиларли туртки бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳозир қисман эски стандартлар, қисман қайта ишланган стандартлар билан биргаликда Европа мамлакатларининг уман янги бўлган стандартлар амал қилмоқда. Бу борада Давлат стандартлари идорасида ҳам замон талабига хос ҳолда катта ишлар олиб борилмоқда.

Юқори сифатли консерваланган маҳсулот ишлаб чиқариш, хом-ашёнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик ҳамда хўжалик аъзоларининг транспорт харажатларини камайтириш мақсадида консервалаш корхоналари бевосита хўжалик ҳудудида қурилади. Қайта ишлаш чиқитлари хўжаликнинг ўзида қолади ва чорвачиликни боқишда фойдаланилади.

Корхонада ишга хўжалик аҳолиси жалб этилади. Маҳсулот ассортименти мева сабзават шарбатлари компот ва муробболар, сабзавот ва мева маринатлари, газак консервалар тузламалар ва қурилган маҳсулотлардан иборат.

Мустақиллик йилларида Европанинг етакчи фирмаларининг лентали пресс, ультрафилтер, хушбўй компонентни тутиш бўлими вакум-буғлатиш аппаратлари ишлатилмоқда. Ушбу жихоз ва оқим линиялари доимо равишда “экспомарказ” томонидан реклама қилинмоқ ва хўжалик керакли жихоз ҳамда технологияларни сотиб олишлари учун шароит яратилмоқда. Соҳанинг етакчи корхоналари Европа мамлакатлари кўрикларида қатнашиб энг замонавий жихоз ва технологияларни олиб келишмоқда. Масалан “Эл Кол” Ўзбек-Турк қўшма корхонасининг “Арома Осиё” номли ишлаб чиқариш

базасидан шарба ва шарбат концентратли технолог линиялари Италиянинг “Бертузз” фирмасининг хомашёга бирламчи ишлов бериш бўлими, Швейцария “Ипипестик АГ” фирмасининг ултрофилтрли Германиянинг “Флотт-кед” фирмасининг лентали пресси, “Нагема” фирмасининг селоратори ва “Схема” фирмасининг хушбой компонентни тутиш бўлими билан таъминланган вакум бўғлатиш комплекс билан жихозланган. Янгт йўл туманидаги “А.Ортиқов” номли агрофирмадаги узум ва мевани қайта ишлаш корхонасида ўрнатилган Италиянинг “Метро” ва “Фата” фирмаларини комплекс жихозларидан ташкил топган мева шарбатлари ва концентрати, мева ва сабзавот пуюрелари ишлаб чиқиш корхонаси ҳам мавжуд. “Андижон дурдонаси” Швейцариянинг “Унипетин- АГ” фирмасининг энг замонавий олма концентрати ишлаб чиқариш линияларидан хисобланади.

Италиянинг “Мазнули” ва “Росси анд котелли”, Австралиянинг “Новозймез”, Германиянинг “Доулер Нейчлер Фуд” Россиянинг ОАЖ “Тримпродмаш” фирмалари жаҳондаги энг жаҳондаги энг замонавий технологияларни ишлаб чиқарувчи фирмалар хисобланади. Ушбу фирмалардан линия ва технология билан биргаликда бутлов қисимлар, ферментпрепаратлари желонин, покалиит калказин каби материаллар харид қилинади. “Rossi and kotelli” фирмасининг Тошкентдаги ваколат хонаси фирма линиялари Ўзбекистон Республикасида сотиш учун очилган ўрнатиш устида иш олиб борилмоқда. “ Консерваланган озиқ-овқат махсулоти технологияси” мутахасислиги бўйича тайёрланган магистр талабалар ушбу махсулотлардан тўла хабардор бўлишлари ва амалий фаолиятида оқилона фойдалана олиш керак.

Асосий қисм

1.1 Мева ва сабзавотларнинг кимёвий таркиби, ва уни инсон озиқланишдаги роли (адабиётлар шархи)

Ўсимликларнинг яшил қисмида қуёш нури таъсири остида сув ва корбанат ангдриддан углеводлар ҳосил бўлади. Бу жараён фото синтез деб аталади. Қуёш энергияси мураккаб органик бирикмалар ҳосил қилиш ва тизимнинг эркин энергиясини оширишдаги молекуляраро боғланишларни юзада келтиришни фаоллаштириш учун сарфланади.

Хлорафилл-фотосенсибилизатор, яъни ёруғлик нури энергиясини ютиб фото синтез жараёнини амалга ошириш учун хизмат қилувчи модда.

Фотосинтез жараёнида фермент таъсири остида қатор оксидланиш қайтарилиш реакциялари содир бўлади. Оксиллар бу жараёнда углекислотанинг бирламчи аксептори ва реакция катализатори сифатида иштирок этади. Фотосинтез ўтиш вақтида сув парчаланиб, водород ва кислород ҳосил бўлади. Хлоропласт ютган корбанат ангдридни водород қайтаради, натижада қандлексоза ҳосил бўлади. Кислород эса атмосферага ажралиб чиқади. Фотосинтезнинг бирламчи маҳсулотлари кейинги ўзгаришларга дуч келади ва ўсимликнинг турли кимёвий моддаларини ҳосил қилади. Бу ўзгаришлар ферментлар ёрдамида амалга ошади ва қуёш энергиясини талаб этмайди. Азотли ва минерал моддалар ўсимликка илдиз системаси томонидан тупроқдан етказиб берилади. Сув, сув барча биокимёвий реакцияларда иштирок этади. Сувнинг фаоллиги деб маҳсулот устида бўғнинг бир хил температура ҳисобга олинган қовушқоқлигига (РО)га нисбатан айтилади. Қуруқ моддалар маҳсулот таркибидаги сувдан ташқари барча моддалар унинг қуруқ моддаси деб тушунилади. Айрим консерваларнинг тайёрлиги қуруқ модданинг миқдorigа қараб белгиланади. Ишлаб чиқариш сифати хомашё таркибидаги қуруқ модда кўпинча рефактометр ёрдамида аниқланади. Рефактометр фақат сувда эриган қуруқ модда миқдорини фоиз ҳисобида кўрсатади.

Дарахт меваси ва резавор меваларда қуруқ модда 10% дан 20% гача бўлади. Сабзавот таркибида қуруқ модда камроқ бўлиб, 4-10%ни ташкил этади. Сабзида қуруқ модда миқдори кўпроқ бўлиб, ўрта 14% ни кўк нўхотда 20% гачани жўхорида 25%ни ташкил этади.

Қуруқ модда миқдори хомашёнинг тур ва навида ҳамда иқлим шароитига боғлиқ.

Углеводлар: мева сабзавот ва қуруқ моддасининг кўп қисмини 90% углеводлар ташкил қилади. Ёши ўтган одамнинг суткадаги ўртача рационал хазм этиш бўйича 500 г углеводдан тшкил топиш керак.

Мева ва сабзавот углеводларга қандлар крахмал, селилўза, гемиселилўзалар пектин моддалар қиради.

Қандлар: Мева ва сабзавотда асосан, моносахаридлар, глюкоза, фруктоза ва дисохоридлардан сахароза мавжуд.

Озроқ миқдорда орабиноза, ксилоза, манноза, галактоза, рибоза, рамноза, сарбоза, каби моносахаридлар ва малтоза генбиноза каби дисохаридлар

хамда ўз тзилиши бўйича қандларга яқин бўлган олти атомли спиртлар мавжуд.

Инсон организмида глюкоза ва фруктоза бевосита қонга сўрилади. Шунинг учун улар тоза ва яхши хазм бўлади. Сахароза эса организмда мавжуд бўлган инвертоза ферменти ёрдамида гидролизланади, натижада глюкоза ва фруктоза ҳосил бўлади.

Қандлар ширин таъми билан ажралиб туради. Ширинлик чегараси фруктоза учун 0.25% , глюкоза учун 0.55% сахароза учун эса 0.38% ни ташкил этади. Таъм кўрсаткичлар мева сабзавот таркибидаги нафақат қанд миқдори, балки кислота, ошловчи моддалар, эфир мойлари бошқа бирикмаларга ҳам боғлиқ. Мева сабзавотларнинг таъм кўрсаткичларини бохолаш учун уларнинг қанд-кислота кўрсаткичлари топилади. Қанд кислота кўрсаткичини дегенда, қанднинг фоиздаги миқдори нисбатан тушинилади.

Сабзавотда ўртача 4% қандлар мавжуд. Илдиз мевалар айниқса полиз экинларида анд миқдори анча кўп. Томатлар баклажон, қалампир, рангли карам. Сабзида глюкоза фруктоза яшил нўхотда эса сахароза кўпроқ.

Қайта ишлаш жараёнида қандларнинг ҳосалари ва уларни ўзгариши тбехнологик режимни ташлашга ва тайёр маҳсулот сифатига катта таъсир кўрсатади. Қандлар сувда айниқса иссиқ сувда яхши эрийди. Қандлар мева ва сабзавот ювилганда, агар уларнинг қобиғи зарарланган бўлса йўқолиши мумкин. Мева ва сабзавот бланширланганда қандлар таркиби ўзгаради қандлар гидроскопик хоссаларга эга. Бу асосан фруктозага тегишли шуни ҳисобга олиб ногерметик тарага солинган консерва маҳсулотларни намлилиги баланд бўлган омборлар сақлаш тавсия этилади.

Сахароза ўсимликларнинг тирик хужайраларида инвертоза ферменти таъсири остида инверсияланади. Ўсимликларда қайтиш жараёни сахарозани инверт қанддан синтезлаш ҳам кузатилади. Сахароза эритмаси кислота иштирокида иситилганда. Хаминверсияланади. Муроббо пиширишда суний равишда сахароза инверсияланиши таъминлаш учун кислота қўшилади.

Кўп қайнатилиши натижасида қанд карамелизацияланади. Бу қанднинг нотўлиқ парчаланиши карамелланиш натижасида ҳосил бўлган маҳсулот “килер” деб юритилади. Қандлар парчаланишининг бошланғич бошқичларида маҳсулотга ёқимли таъм берувчи моддалар ҳосил бўлади. Лекин юқорида темпратурада қандга бой маҳсулотлар қораяди ва тахир таъм олади.

Крахмал: крахмал инсон организмида тезда ферментатив йўл билан парчаланади. Аввало амилоза таъсири остида гидролизланади, декстринганча парчаланади, суилра малтоза ҳосил бўлади, эса ўз навбатида малтоза ферменти таъсири остида глюкозага айланади.

Крахмал, асосан тугунак мева ва донларда йиғилади. Картошкада (12-25%), кўк нўхот ширин жўхорида кўп миқдорда крахмал бўлади. Кўплаб мева ва сабзавотда крахмал миқдори калли бўлади.

Ўсимликларда крахмал ўлчами 0.002 мм дан 0.15 ммгача бўлган овал шарсимон ёки тармоқланган шакллар ҳосил қилади. Крахмал донларининг қобиғи амилопектиндан ички қисми эса амилозадан таркиб топган. Амилоза

глюкоза қолдиқларининг спералсимон шаклда буралган узун занжирдан иборат. Бир неча шундай паралел занжир амилоза молекуласини ташкил қилади. Амилопектин молекуласи жуда тармоқланган ундаги асосий занжирга ёнланма кўринишда 25-30 глюкоза қолдиғи уланган. Амилозанинг молекуляр массаси 10 000-100 000 амилопектинни 50 000-1 000 000 га тенг.

Мева ва сабзавот крахмалдаги амилопектин ва амилоза нисбатан тегишли равишда картошканикида 20 ва 80%, жўхориникида 22 ва 78%, гурунчнткида 17-83%, олманикида 100 ва 0% бўлади. Крахмал совуқ сувда эримайди. Амилоза иссиқ сувда эрийди. Амилопектин шишада ва катта қовшқоқликка эга клайстер ҳосил қилади. Крахмалнинг крейстерланиши темпратураси 62-72 с оралиқда бўлади. Эритма иситилаётган крахмал кондексия қаршилиқ кўрсатади. Бу эга консерванинг стериллаш вақтини узайтиради.

Жўхори донларида гликоген полисахариди мавжуд, у гидролизланганда глюкоза ҳосил бўлади. Глюкоген полисахорид тузилишига кўра, амилопектинга ўхшаш иссиқ сувда яхши эрийди.

Селлюлоза (клетчатка). Мева ва сабзавотнинг аксарияти 1-2% селлюлозага эга. Кабочак, бодиринг, торвуз, қовун таркибида селлюлоза жуда кам бўлиб, 0,2-0,5%ни ташкил этади.

Селлюлоза ўсимлик хомашийёсини механик ва термик таъсирларга чидамлилигини оширади аммо айрим технологик жараёнлар амалга оширилишини қийинлаштиради.

Гемиселлюлозалар. Гемиселлюлозалар ўсимлик хужайраларининг қобиғи таркибига киради. Улар ювори молекулали полисахаридлардир ва гексозонлар ҳамда пектозонлардан ташкил топган. Гемиселлюлозаларнинг таркибий қисми гидролизланганда қандлар ҳосил қилади. Аробан кенг тарқалган дуккаклилар уруғидан голакдан мавжуд. Мева таркибидаги пентозалар миқдор 0,5-1,0% оралиғида бўлади.

Гемиселлилулозаларнинг кўпчилиги сувда эримайди. Ёпишқоқ эритма ҳосил қилувчи айрим пентазонлар бундан мустасно. Селлюлоза қараганда гемиселлюлоза буқарор фермент ёки кислота таъсири остида парчаланади ва қандлар ҳосил қилади. Пентозалардан концентрацияси баланд хилорид кислота билан қайнатганда, улардан фурфурол ҳосил қилади. Уни ишлаб чиқариш чикитларидан қайта фойдаланишда ишлатиш мумкин.

Пектин моддалари. Пектин моддалари ўсимлик тўқималарининг хужайра қобиғининг ва ўртача пластинкалар таркибига киради. Унинг олма, ўрик, олхўри, таркибидаги миқдори тахминан 1% ни беҳи, крижовник, қора қорағат таркибида 1,5% ни сабзида 2,5% ни ташкил этади.

Пектин моддалари ошқозон ичак касаллиқларини даволашда ижрбий рол ўйнайди. Улар мева консистенциясига консервалашда ўз структурасини сақлашига, томатни ишвалаш жараёнида чикитга чиқиш миқдorigа сезиарли таъсир кўрсатади.

Азотли моддалар. Сабзавот ва мева азот моддаларининг катта қисмини оксиллар ҳамда уларга эргашувчи аминокислоталар ва аммиаклар ташкил этади. Бундан ташқари оксил бўлмаган азотли моддалар нуклеин

кислоталари, аммиак тузларинитритлар айрим витаминлар, гликозитлар ҳам мавжуд.

Оқсиллар. Оқсиллар инсон организми тўқималарини қуриш материали ҳамда овқат энергияси манбаи сифатида хизмат қилади. Ёши катта одамнинг оқсилни суткалик ўртача истемол қилиш меъри 80-100 грамми ташкил этади.

Инсон (оқсиллар) овқат хазм қилиш трактида протеолитик ферментлар таъсири остида оқсил аминокислоталар организмда синтез қилинмайди. Аммо улар модда алмашинуви жараёни меъёрида кетиш учун зарур. Лизин триптофен, фениланин, лейсин ҳам улар қаторига киради. Қолган аминокислоталар инсон организмда ўзаро бирикиш натижасида ҳосил бўлиши мумкин.

Инсон организмни барча аминокислоталарга эга оқсил билан тўлақонли таъминловчи асосий манба хайвон маҳсулотларидир. Сабзавот ва мевада оқсил миқдори нисбатан ҳам, шунга қарамай ўсимлик маҳсулотларидир. Рационалнинг катта қисмини ташкил этади. Ундан ташқари, сабзавот хайвон оқсили хазм, бўлиши даражасини оширади. Азотли моддалар миқдори: дуккакли маҳсулотда 4,5-5,5%, қарамда 2,5-4,5%, шпинатда 3,5% картошка сабзи, пиёзда қарийб 2% , томат ва қовоқда қарийб 1%, меваларни кўпчилиги 1%дан камроқ азотли моддаларга эга.

Айрим сабзавот ва картошка оқсили тўлақонли жўхори оқсили таркибида лизан йўқ, сабзи оқсилида эса триптофаннинг фақат изи бор.

Нооқсил азотли моддалар. Ўсимлик тўқимасида нооқсил азотли моддаларда нуклени кислоталар мавжуд. Улар пурен ёки пиримидин асосдан фосфор кислотаси ва қандлардан иборат рибонуклеин (RNK) ва дезок сири бонуклеин (DNK) кислоталари маълум. Уларнинг таркибига дезоксирибоза киради. DNK хужайра ядросида жойлашади синтез қилувчи оқсиллар структурасини ҳамда маълум даражада наслни белгилайди. DNK ҳам, ядро ҳам хужайра протоплазмасида жойлашади ва оқсил биосинтезида иштирок этади.

Ёғлар. Ёғлар юқори каллорияли бўлиши баробарида қимматли энергетик материал вазифасини ҳам бажаради. Ўсимлик ёғлари унда пенол ҳамда пенолин кислоталари бўлганлиги ва инсон организмни уни хазм қилганлиги учун рационда албата бўлиши керак суткадаги ўртача керакли миқдорда 80-100 грамми ташкил этади.

Мева сабзавот тўқимасида ёғлар миқдори жуда катта аҳамиятга эга. Чунки ўсимлик хужайраси аротоплазмасига киради ва модда алмашинувини ростлайди. Ёғлар сувда эримайди ва гидрофой хусусиятга эга. Ушбу хусусиятлар туфайли хужайра ситоплазмаси ўтказувчанлигига таъсир этади. Захира озуқа моддаси бўлганлиги учун ёғлар ўсимлик уруғида йиғилади ва 15-25% ташкил этади.

Органик кислоталар. Мева ва сабзавот органик кислоталар, уларнинг нордон ва асос тузларга эга. Кўплаб мева сабзавотнинг умумий кислоталилиги 1% дан ошмайди. Лекин ўрик, гилос, қизил олчанинг айрим навларида 2,5% гача етади.

Янги мева ва сабзавот ҳар доим нордон реакцияга эга РН қийматига

караб улар кислотали ($\text{PH } 2,5-4,2$) ва кислота ($\text{PH } 4,3-6,5$) га бўлинади. Кислота мухит моғор ва дрожжалар учун қулай, аммо температура чидамли бактерияларнинг кўпчилиги унда ривожланмайди. Моғор ва дрожжалар иситганда нисбатан осон ҳалок бўлиши ҳисобга олиб кислоталилиги баланд маҳсулотлар 80-100% с температурда пастеризация ёки стерилизацияланади. Бактериялар яхши ўсадиган нордонлиги кам маҳсулотлар консерваси учун юқорироқ температура, яъни 112-130с қўлланилади.

Олма кислотаси ва унинг тузлари лимон, узум ва шовул кислоталари, лимон кислотасининг калий ва натрий тузлари совуқ сувда қийин эрийди, иссиқ сувда осон эрийди. Нордон узум нордон калий сувда кам эрийди. Шовул кислотасининг калий ва натрий тузлари сувда эрувчан, шовулли нордон калсий эрмайди.

Мева ва сабзавот жуда кам миқдорда эрувчан кислоталарга эга. Чумоли кислотаси олма ва малинада аниқланган уксус кислотаси пайдо бўлиши мева ва сабзавот кимёвий компанетларининг микробиологик жараёнлар натижасида парчаланиш жараёни билан боғлиқ, ошловчи моддалар, ошловчи моддалар меваларга боғловчи тахир маза беради. Улардан теир (1.6% гача), беҳи (1% гача), қизил (0,6% гача) ёввойи олма ва нок мевалари бой. Мева ва сабзавотнинг кўпчилиги эса 0,1-0,2% ошловчи моддаларга эга. Сабзавотда улар анча кам ошловчи моддалар асосан меванинг пўстлоғида бўлади ва бактеритсид хусусиятга эга.

Кимёвий таркиби бўйича ошловчи моддалар полифеноллар гуруҳига киради. Уларнинг молекуляр массаси 600 дан 2000 гача етади. Гидролизланувчи ва конденсатланганларга бўлинади. Хосил бўлган мураккаб эфирлар ҳамда галли ва протокатех кислоталари хосил қилган моддалар мажмуасига иборат. Бу гуруҳга тамоза ферменти таъсирида гидролизланувчи тамин киради.

Глюкозитлар. Гликозитлар турли кимёвий моддалар (спиртлар, алдегитлар, фенолар ва хаказо) билан бириккан углеводлар (гексоза ва пентоза) дан иборат.

Амигдолин. Бу гексиобиоза ва агликондан хосил бўлган гликозит, таркибига бензой алдигити ва синил кислотаси киради.

Солалин. Соланини баъзи сабзавот ва кртошкада учрайди. Турли сабзавот таркибидаги соланинининг кимёвий таркиби турлича.

Геспириддин. Геспириддин ситрус меваларда бўлади. У Р витамин комплекс таркибига киради. Гидролиз вақтида геспиридин рамлоза, глюкоза ва глюкол, леспиратен ($\text{C}_{16}\text{H}_{14}\text{O}_6$) га парчаланади.

Норенлин- норенлин пишмаган цитрус меваларнинг пўстлоғи пўслук ости оқ толасимон қатлами (албеда) ва этида бўлиб уларга тахир таъм беради. Мева етилган сари нарингин пероксидаза ферменти таъсири остида парчаланади. Ундан глюкоза, ранноза ва тахир таъми бўлмаган алглюкон нарингинин ($\text{C}_{15}\text{H}_{12}\text{O}_5$) ҳосил бўлади.

Ваксинин брусника ва глюквода бўлади. Апейик-петрушкада, глюкогого қаҳрабо кислотаси пишмаган олма, олхўри, олча, қора қарағайда бўлади.

Раигкофчи моддалар. Мева ва сабзавот турли пигментларга эга.

Хлорофиллар. Бу пигментлар пишиб етилмаган мева ва сабзавот ҳамда баргларга яшил ранг беради. Ўсимликларда хлорофил миқдори куруқ модда миқдорининг 1% миқдорини ташкил этади. Унда одатда, бошқа ранг берувчи модда каротинатлар йўлдош бўлади.

Антотсионлар. Антотсионлар-мева сабзавотга пуштидан сиёҳ рангча ранг берувчи моддадир. Улар олча, олхўри, қора рангли узум навларида қорақатда малина брусника, лавлагиди бўлади. Антотсионларнинг ўзи флавоноли глюкозит бўлиб, гидролиз натижасида қанд ва рангланган алкукол аитотсианитга парчаланади.

Аглюкон аитотсианид пирксоний асослари гурухига киради.

Антотсионлар намаёндаси энин кератсианин бетанин. Энин қизил узим шарбатида бўлади. Гидролиз натижасида у глюкоза ва энидинга парчаланади. Кератсианин олчада учрайди. Унда глюкоза рамноза ва сианодин мавжуд. Кератсианин айни вақтда қора қарағат стородина, малина, брусника антотсионлари аглюкони бўлади. Бетанин лавлагиди бўлади. У глюкоза ва азотли бетанидин аглюконидан ташкил топган. Антотсионлар сувда яхши эриди. Узоқ иситиш натижасида улар парчаланади ва ўз рангини йўқотади. Айни вақтда иситиш қора қарағай меваси антотсионларига деярли таъсир кўрсатмайди. Каротиноитлар. Каротиноитлар мева ва сабзавотларга сариқ ва қизилча ранг берувчи пигмент хисобланади. Уларга каротин, ликопин, ксантофиллар киради. Каротин инсон организмида А витаминига ўтади. Каротиннинг витаминоз хусусияти унинг молекуласида В ионли ҳолда мавжудлигига боғлиқ.

Эфир мойлари. Эфир мойлари мева пўстлоғида йиғилади.

Эфир мойлари турли моддалар: терпенлар алдогитлар, спиртлар ар-алмашмасидан иборат. Уруғли махсулотларнинг эфир мойларидан уксус алдегити, амил спирти ва кислоталарнинг мураккаб эфирларининг, чумоли уксус каприк эфирлари мавжуд.

Минерал моддалар. Ўсимлик тўқималарида барча тирик хужайра ва тўқималирининг таркибий элементларига кирувчи минерал моддалар мавжуд. Ўсимлик ва хайвон организмнинг керак физиологик муҳим физиологик функцияси у ёки бу минерал модда етишмаслиги туфайли бузилади. Мева сабзавотдаги минерал моддаларни организми яхши хазм қилади. Минерал моддаларнинг миқдорини ёқишда ҳосил бўлган кул миқдори орқали топилади. Мева сабзавотни ёқишда ҳосил бўлган ҳосил бўлган кул миқдори 0,2-1,8% ни ташкил этади. Минерал моддалар кулда юздан улуши бўлган микроэлементлар (калий, калсий, фосфор, натрий, магний, хлор,) ва кулда мингдан улуши бўлган макроэлементлар (темир, мис, рух, ёд, барий, хром бор, алюминий, кобалт ва бошқалар) дан иборат. Кулнинг қарийиб 50%ни калий оксиди ташкил этади. Бу модда протоплазманинг сув тутиш хусусиятини оширади. Фосфор ва олтингутурт оксил таркибига киради ҳамда хужайранинг энергия алмашиши жараёнларида муҳим рол ўйнайди. Фосфор кимёвий бирикмаларининг реакцияга киришиш қобилитини баландроқ қилади.

Темир, молибден ва мис айрим ферментлар таркибига киради калий ва

магний ўсимлик тўқималари ўрта платинкалари таркибий қисмига киради. Магний хлорофил таркибига киради. Ишқорий металллар (калий ва натрий) миқдори кўплигидан мева ва сабзавот кулида ишқорий реакция мавжуд. Минерал элементлар инсон организмнинг яшаш фаолиятида жуда катта рол ўйнайди. Чунки барча физиологик жараёнлар уларнинг фаол иштирокида содир бўлади. Минерал элементлар оксиллар ёғлар углеводлардан фарқли улароқ организмга энергия бермасда лекин уларсиз инсон ҳаётини тасаввур этиш мумкин эмас.

Калсий элементини суяк тўқимаси ва тишнинг 99% ини ташкил этади. Унинг қолган қисми ион ҳолида ферментларнинг фаоллигини оширади, ионлар мувозанатини сақлашда, асаб-мушак ва юрак қон томир тизимларида содир бўладиган жараёнларга катта таъсир кўрсатади. Магний elementi инсон организмда калсийга қараганда 30-35 баробар кам бўлишига қарамай организмда муҳим рол ўйнайди. у суякни шаклланида, асаб тўқимаси фаолиятини тартибга солишда углеводлар ва энергия алмашинувида иштирок этади. Фосфор elementi ва унинг бирикмалари организм ҳаёти учун зарур бўлган жараёнларда иштирок этиб, айниқса моддалар алмашинувида асаб, мия, суяк, мушак жигар тўқималари фаолиятида оксиллар, ферментлар, фосфорогитларнинг биологик фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Натрий хужайрадаги энг муҳим элемент. У қон плазмасининг буферлик ҳолатини таъминлайди. Қон босими ва сув алмашинуви тартибга солади: овқатни хазм қилдирувчи ферментлар фаолиятини оширади. Мушак ва асаб тўқималарини фаолиятини яхшилади.

Калий хужайра ичидаги элемент бўлиб, қондаги кислота миқдори мувозанатини тартибга солади. Калий юрак фаолиятини ва мушакнинг функциясини мустаҳкамлайди. У баъзи ферментлар фаоллигини оширади, асаб қўзғатувчилари таъсирини кучайтиради ва қон босимини муайянлигини таъминлайди.

Темир elementi инсон организмдаги энг муҳим органик бирикмалар қон гемоглобинга. Миоглобин, ва баъзи ферментлар моталазалар, пероктизадалар таркибига киради.

Витаминлар. Ўсимликлар витамин синтез вилиш хусиятига эга. Организмларда витаминлар етишмаслиги моддалар алмашинуви бузилишига олиб келади. Организмнинг умумий тоқуши ўзгаради ва ишлаш қобилияти пасаяди.

Витамин етишмаслиги оғир касалликларга олиб келади. Касаллик тавсифи организмда етишмаган витамин турига боғлиқ. Витаминларнинг кўпчилиги нотурғин моддлар қайта ишлаш жараёнида улар у ёки бу даражада парчаланади. Мева мтуридаги витаминлар миқдори унинг нави, ўсиш шароити пишиш даражасига боғлиқ.

С витаминнинг миқдори ўсимликда кечаси ҳамда ёмғирли ҳаводагига нисбатан кундузи, очиқ ҳавода кўп бўлади.

Сувда эрувчан витаминлар –С,Р,В1, В2, В6, РР, Н пентонен килотаси хом-ашё сувда, қайта ишанганида камайиб кетиши мумкин. Махсулот қобиғининг бутунлиги бузулганда бу йўқотиш янада ортади.

Фитонсидлар: В.П. Токин томонидан кўплаб ўсимликларда микроорганизмларнинг ўлдирувчи модда мавжудлиги аниқланган. Бу моддалар ўсимлик антибиотиклари ва фитосидлари деб аталади. Фитосидлар пиёз, саримсоқ, сабзи, лавлаги, томат, ширин қалампир, оқбош карам, картошка, қозоқли ловия ситрус маҳсулотлар ребина, қора қарағай, турли зираворларда мавжуд. Бақлажонда фитонсидлар миқдори кам кабагон патасса рангли карамда эса улар умуман йўқ. Картошкада соланинг сабзида эфир мойлари лавлагида антосионлар мавжудлиги туфайли улар фитосидлик хусусиятига эга. Саримсоқ фитонсиди аллисин соф кўринишда ажратилган.

Ферментлар: ўсимлик тўқималарида модда алмашилиш жараёнлари ферментлар таъсири остида кечади. Ферментлар фақатгина оксиллардан иборат. Айрим ҳолларда нооксил ростотик гуруҳ нофермент ҳам унинг таркибига киради.

Кимёвий реакция тезлиги, маълумки молекулалар тўқнашуви сонига боғлиқ. Ферментларни катализловчи таъсири шундан иборатки, улар жараёни оралиқ реакциялар орқали йўналтириб, бунинг учун керакли энергия миқдорини кескин камайтиради. Фермент кимёвий модда билан бирикади ва молекула ичи боғларини бўшаптиради. Бу боғ осонлик билан узилади ва янги моддалар ҳосил бўлади. Айни вақтда фермент бўшаб яна реакция киришади. Шунининг учун ферментатив жараёнлар юқори.

Хар бир фермент фақат у ёки бу кимёвий модда билан бирикади ва маълум кимёвий реакцияни катализлайди. Яъни ферментлар таъсири субстратга нисбатан қатъий йўналган.

Кўпчилик ферментлар учун 40 °С атрофидаги температура энг мақбл ҳисобланади. Юқорироқ температуралар оксилнинг ноагилацланишини келтириб чиқариб ферментларни активлайди. Водород ионларнинг энг мақбул концентрацияси турли ферментлар учун катта оралиқда бўлади.

Ўсимлик хужайралари ферменти билан биргаликда уни таъсирини тезлаштирувчи (активатор) лар ва секинлаштирувчи (ингибитор) ларни ишлаб чиқаради.

1.2.Бақлажон ҳам ашёси ва уни биологик, озукавий ва энергетик хусусиятларини тахлили

Бақлажон ташки эпителининг SALONIUM malongena бўлиб санскрит келиб чиқиши билан боғлиқ .бақлажон ер шарининг жуда кўп минтақаларида ўсади ва форсийлар ”бадинджон” араблар ”базинжон” испанлар ”алберенкена” французлар ”абержин” деб аталади.

Лотин ва италян тилларида бақлажон ”мелангена” тарзида ”melansena” каби нотдкри интерпритация килиниб ”mela insone” ”тентак олма” тарзида ифодаланган .

Бақлажон айрим манбааларда арман бодринг деб ҳам аталади. Айрим пайтларда melagena ”карилик тулдирувчи” каби таржима килинади.

Бақлажонни келиб чиқиши.

Бақлажон ёввойи ҳолда ўрта шарқ, жанубий осий ва хиндистонда ўсади . ерларда бақлажоннинг узак қариндошлари ёввойи ҳолда ҳозир ҳам ўсади.

Бақлажонни маданийлаштириш 1500 йиллар аввал амалга

оширилганлиги санскрит ёзув манбааларда аниқланган. У ни араблар IX асрда Африкага олиб келишди, XV аср охирларида эса Европага кириб келган бўлсада унинг кенг тарқалиши XIV асрнинг бошларига тўғри келади .

Бақлажонни биоэкологик хусусиятлари .

Ўтсимон ўсимлик бўлиб , бўйи 40-150 смни ташкил этади , барглари йирик навбатлашиб жойлашган майда нишчали айрим навларида бинафша тусли.

Гуллари -2 жинсли бинафша рангла, диаметри-2,5-5 смли якка холда зонтенгал 2-7 ғунчадан иборат туп гул шаклидадир, Бизнинг шароитимизда бақлажон июн-октябрча гуллайди .

Меваси-йирик дамалоқ ноксимон ёки йилиндрсимон шаклга эга, юзаси ялтироқ ёки хира тусли айрим пайтларда узунлиги 70 смгача , диаметрим 20 смгача боради.Оғирлиги 04-1,0 атрофида . Рангли пишган ҳолатда тук зангор рангдан тук сарик кунгир тусли , тулик пишганда улар дагал ва таъмсиз булади. —————Тулик пишмаган меваларнинг ранги оч лилия рангдан тук бинафша рангча булиши мумкин.

Уруглари майда , ясси тук жигаррангли , август октябр ойларида йигиштирилиб олинади.

Бақлажонни кимёвий таркиби

Хама озик овкат хомашёлари инсон танасининг витаминлар минерал элементларга булган эҳтиёжини тула кондира олмаганлиги учун турли хил сабзавот ва бошқа компонентларни қушимча истеъмол қилишга эҳтиёж тугилади

, муқобиллаштирилган озик овкат рационалини тузиш учун хом ашёни сақлбий ва ижобий томонларини мувофиқлаштириш керак.

Бақлажоннинг озукавий киймати унинг кимёвий таркибига қирувчи оксиллар ёғлар углеводлар витаминлар ва минерал моддаларни микдорини бевосита боғлиқдир.

1000гр бақлажон мевасининг энергетик қуввати 24 ккалгр тенг бўлиб , у қуйидаги таркибга эга.

Оксиллар-1,2 гр

Ёғлар- 0,1 гр

Углеводлар- 4,5 гр

Озукавий толалар -2,5 гр

Органик кислоталар- 0,2 гр

Сув-91 гр

Моно ва дисоҳаридлар -3,6 гр

Краҳмал- 0,9 гр

Кул микдори- 0,5 гр

Витамин рр-0,6 мг

В -каротин- 0,02 мг

Витамин А-3 мкг

Витамин(тиамин) В-0,04 мг

В2-0,05 мг

В6-0,2 мг

В9-18,5 мкг (деолат кислота)
 С-5 мг
 В- (гэ)0,1мг
 РР-ниоцин эквиваленти 0,8 мг

макроэлементлар		Микроэлементлар	
Ca	15 мг	Fe	0.4 мг
Mg	9 мг	Zn	0.29 мг
Na	6 мг	Y	2 мкг
K	238 мг	Gu	135 мкг
P	34 мг	Mr	0.21 мг
Cl	47 мг	F	24 мкг
S	15 мг	Mo	20 мкг
		B	200 мкг
		Co	1 мкг
		Al	815


Бақлажонни озукавий кийматининг (100гр махсулот таркибидаги 5-ккал оксиллар хисобига , еглар хисобига 1-ккал ва углеводлар хисобига 18-ккал хосил булади).

Сабзабот таркибидаги энергия озуквий моддалар тупланган булиб, унинг сумар энергия балансини хосил килади энергетик баланс диаграммаси тайёр махсулот таркибида юкоридаги моддаларнинг бир-бирига нисбати хиссасига караб белгилайди ва унинг калориясини белгилайди.

Бундай махсулотлар диетологлар фаолиятининг асоси булиб, хизмат килади, АКШ диетологларнинг фикрича инсон организми учун зарур булган энергияни 60% ни углеводлар хисобига ва 30% ни еглар хисобига кондиритишни тавсия этилади.

Масалан D Afcins (200г) тадқиқотларига кура углеводлар хисобига олинандиган энергияни микдори энг минимал булишини тавсия этади , одатда эга энергиянинг энг кам кисми еглар хисобига олиниши кабул килинган.

1,3 Илмий тадқотларни режалаштириш ва илмий тадқиқотлар ишчи гипотазасини яратиш



1,4, илмий тадқиқотлар объекти жойи ва услублари.

Куруқ модда микдорини рефрактометрда аниқлаш

Услубни мохияти рефрактометрни синдириш кўрсаткичига қараб куруқ моддалар микдорини аниқлашдир . Агарда консерва махсулотларидаги куруқ моддалар микдорини рефрактометр билан аниқлашга махсус кўрсатма бўлса қўлланилади.

Рефрактометрни тайёрлаш .

Рефрактометрда кўриш майдони аниқ олиш учун тўғри бурчакли призма ёруғлик нури тушадиган томонга бурилади. Тушаётган ёруғлик нурлари призма юзасидан маълум бурчакда қайтади. Рефрактометрни нуқтасини ўрганиб олиш учун шиша таёқча билан призмага бир томчи дистилланган сув томизилади , бунда призмани хароратини 20% С да ушлаб турилиб, окуляр орқали пунктир чизиқли бир-бирига тушиши кўриб олинади ёки кўриш доирасини маркази шкалани нол бўлинмасига келганлиги кўрилади.

Агар пунктир чизиқ ёки доирамаркази одам 0,2% гача тўғри келмаса махсус калит орқали 0 га келтирилади кўриш майдони билан компенсаторни йўналтириш йўли ёруғ ва қоронғу чегарасини аниқ ажратиб олинади.

Тажриба ўтказиш . Пастки призма юзасини марказий қисмига шиша тайёк билан ўраб чиқиш йўли билан 2-3 томчи шираси олинади ва ширани бир томчисини призмага томизилади.

Призма юқори қисмини тушириб уни ҳаракатлантирилиб пастки қисми билан жипс холга олиниб келинади.

Призмани маҳкам қотиргандан сўнг окуляр орқали уни жилдириб кўриш ва майдонини ёруғ ва қоронғу чегарасини аниқ топиб олинади . Бу чегара шунда топингки у пунктир чизиқ устига тушсин ва шундан сўнг шкаладан куруқ моддларнинг фоиз микдори топилади, рефрактометрик кўрсатишини аниқлаётганда тажриба ўтказётгандаги хароратни билиб олиш керак чунки шкалани курсатиши 20 % С да ҳақиқий бўлади . Агар аниқлаш бошқа хароратда ўтказилган бўлса , тузатиш коэффиценти киритилади.

Қора рангли махсулотларни текширилаётганда улардан рефрактометр призмасига солиш учун суюқ қисмини ажратиб олтш қийин . унда қуйидагича чини косачаларни текширилаётган махсулотдан техник тарзида 5-10 гр олинади. Намунага бир хил микдорда тозаланган қум солинади ва намуна массаси билан тенг микдорда дистилланган сув қуйилади.

Аралашмани икки қавват қилиб қўйилган докага солинади, сиқиб олинган суюқликдан икки томчи рефрактометр призмасига томизилади ва кўрсаткичи аниқланади.

Тажриба натижаларини ҳисоблаш .

Куруқ моддалар микдорини қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$X_y = 2a$$

Бу ерда а- -рефрактометр кўрсаткичи хароратга тузатиш коэффициентни билан 2-аралашриш даражаси.

Паралел олиб борилган тажрибалар натижасининг хатоси 0,2 % дан ошмаслиги керак.

Ўсимлик хом-ашёлари консерваларинг сифатини оргонолептик белгилари асосан баҳолаш.

Озиқ овқат махсулотларнинг сифат курсаткичини аниқлашда оргонолептик услуб асосий хисобланиб, инсон сезиш органлари тегишли ахборот берилади. Текшириш ахамитини тажрибалар асосида олиниб, бу кўрсаткич текширув ўтказувчининг тажрибасига боғлиқ.

Оргонолептик баҳолашни аниқлаш варинацион статистика орқали аниқланади, сифатни тўғри баҳолаш учун дегустатор консерва рецептура ва технологисини билиши керак.

Хар бир сезувчи орган таъсирини сезади масалан куриш-ёруғлик тўлқинга эшитиш овоз, таъм ва сезиш кимёвий моддаларга сезиш органлари нозик сезгирлика эга сезишнинг энг паст концентрацияси сезиш бошланиши билдиради. У абсалют ва нисбий бўлади.

Маслан сахарозани сезиш учун абсалют сезиш бошланиши -0,25%, тузлангани сезишда -0,05%, шўрлик-0,0072% (сут кислотаси) -0,0026 % HCL , ачиқни сезишда теобраниш- 0,04 % хинин- 0,000008 %.

Сезишни ошириш сенсабилизация дейилади. Буни харорат орқали билиш мумкин . Масалан иссиқ овқат .

Таъм сезиш орқали махсулот таъмини сезиш мумкин. Бунда сезиш оғиз бўшлиғи ва тил пўстлоғидан бошланади. Тилнинг учида ,ён қисмида орқа яримда таъм сезиш юқоридир.

Таъм сезиш оддий ва мураккаб бўлади. Таъмни билиш учун махсулотлар хақиқий **эритма шаклида** бўлиши керак. Каллоид эритмаларда таъм **бўлмайди**.

Таътиб кўришда сухакни роли катта бўлиб у суберакти эритади. Махсулотни майдалаш даражасини хам ахамияти катта . Ширин таъмни белгिलाш учу насосан сахарин , глечицин дульцин эталон қилиб , сахарозани олинган **бўлиб** фруктозани 1,52 глюкоза 0,69.

Шўр таъмга ош тузи эга бўлиб , уни эталон деб қабул килинган . Органик ва минерал кислоталарнинг тузлари шўр таъмга эга эмас. Улар аччиқ таъмни кам беради. Нордон таъмга минерал ва органик кислоталарга эга. Эталон қилиб вино кислотаси олинган , бунда водород ионларинордон таъмга эга.

Аччиқ таъмга эга барча алкоголид гликозидлар эфирлар, ноорганик тузларга тегишли бўлиб унинг эталони қилиб кофеин ива хлор водородни химин қабул қилинган.

Ўсимлик махсулотларидан иборат бўлган озиқ-овқат махсулотларини консервалашда (қанд кислотали индекс) тушунчасини ахамияти катта.

Таъм сезиш давомийлиги таъм моддалари табиатига боғлиқ . Аччиқ кўп давомий бўлиб ундан кейин нордон ширин шўр туради.

Таъмни сезиш махсулот оғихга тушгандан кейин бир оз вақт ўтгач

бошланади. Мисол учун шўр таъм 3-5 с, нордон 4-6 с, ширин 5-6 с, аччиқ -7-12 с , кейин бошланади. Агар махсулотда бир неча таъм берувчи моддалар бўлса аралаш таъмли моддалар ҳосил бўлади нордон-ширин , нордон- шўр.

Махсулот хидини сезиш орқали аниқланади хид берувчи учувчан моддалар бурун, оғиз эпителийсига тушади. Аромат моддалар ҳам ёгининг бошланиш концентрайиясига яна ёғ кислотаси 1 мг /м бўлса ванелин - 0,0000002 мг/м хидлар инсон сезги тизимига турлича таъсир кўрсатади . Ёқимли хид қон босимини тушириб томирни кенгайтиради пулсни пасайтиради, ёқимсиз хидга аксинча . Хид тўғрисида турли назариялар маълум бўлиб. Малекуляр кислород билан оксидланишидир.

Ҳозирги кунда хидни сезиш 7 гуруҳга кўрилади.

- 1.кафор (гексохлором)
2. мускусли (мускус)
3. гули (амил пиридин)
- 4.хулва (ментал)
5. эфирли (диэтил эфир)
- 6,ўткир (чумоли кислота)
- 7, айниган (сераводород)

Хидга характеристика беришда янги , тоза айниган , бадбўй хушбўй бўлади текширишда хидни кучайтиришда уларни ароматик моддаларни буғланиш юзасини кенгайтириш ёки қиздириш зарур . Ёсимлик ёғини хидини кулга олиб қиздириш зираворларни иссиқ сув куйиб аниқланади.

Хидни билишда турли хил омиллар таъсир этади. Тоза хонада органларни қабул қилиши 25% га ортади 20-24 % С хонада хид сезиш ортада юқори нисбий намлик ҳам хид сезишни яхшилайти.

Консистенция структура ҳарорат майдаланиш даражаси булар ҳаммаси сезиш орқали бўлади .Оғиз бўшлиғидан сезиш ҳарорат оғриқ рецептлари мавжуд.

Органолептик текширувни ташкил этиш.

Озиқ-овқат махсулотларини сифатини сезиш органлари билан аниқлаш учун дегустация ўтказилади. Дегустация лотинча (татиб кўрмоқ)

Дегустацияни асосий мақсади, ташқи кўриниши,ранги, таъми консистенцияси , хидини стандарт ёки ностандарт техник ҳужжатлардаги кўрсатмалар билан солиштириш.

Дегустацион комиссияга лаборатория № 2, цех ишчилари директор бош муҳандис, киради. Оргонолептик текширувни микробиологик ва физик , кимёвий натижаларни олгандан сўнг қилинади.

Хама консервалар бир кундан сўнг дегустация қилинади , фақат компот маринад, балиқ консервасидан ташқари чунки маринад ва компотлар 15 кундан сўнг , балиқ консерваси 10 кундан сўнг ўтказилади.

Консерваларни оргонолептик анализдан ўтказиш тартиби қуйидагича .

Натурал консервалар газак салат ива маринад бир ишчи тушлик, иккинчи тушлик, консерванган салатлар , соуслар сабзавот шарбати , мева шарбатлари, ширин консервалардан ташқари ҳар бир консерва гуруҳларида қуйидагича бўлиш керак.

Ёғсиз зираворсиз кучсиз хидли оз зираворли ва ўрта ароматли кўп ароматли ёғли ароматли .

Ширин консерваларни қанд миқдорини ортишига қараб , балиқ консерваси ва преседевлар ош тузи миқдори ортишига қараб, агар консерваларда хайвон ёғи бўлса , 50-60% С да қиздирилади.

Совуқ ҳамда истеъмол қилинадиган хона хароратига эга бўлиши керак.

Гўшт консервалари совуқ хонада дегустация қилинади, Стандарт бўйича хар бир дегустатор учун тушлик овқатда 100 гр гўшт , балиқ , натурал консерва ва шарбатдан 50 г, жжем , павидло, мураббо 20 г, бўлиши керак.

Оргоналептик курсаткичлар куйидагиач кетма-кетликда бўлади.

Ташқи кўриниши ранг, таъм, консистенция хиди . Дегустация ўтказиш учун алохида хона бўлиб унинг харорати 18-22 % С ва бунинг учун алохида идишларда бўлади.

Сифатини белгилашда (аъло), (яхши),(қониқарли), деб бахоланади. Масалан.

белгилаш	сони	Миқдори
Аъло	4	3
Яхши	3	2
Қониқарли	2	1
Қониқарсиз	1	0

Консистенцияни аниқлаш

Консистенция тушунчасини кўз билан қабул қилинадиган озиқ –овқат махсулотлари хоссаларини йиғиндисига айтилади.

Озиқ- овқат консистенцияси турли бўлиб , у ёпишқоқлик зичлик , сатх тортишувини кўрсатади у шунингдек қаттиқлик юмшоқлик донадорликни биодиради . Суюқ махсулотлар учун ёпишқоқлик жели шаклидагила учун элестик.

Ёпишқоқлик бу тизимнинг суюқлик структурасини характерлаб эластиклик модули ва эластиклик чегарасига боғлиқ масалан. Мева сабзавотлар консистенциясини қаттиқ қилиб туради . сувнинг миқдори ҳам консистенцияга таъсир қилади.

Озиқ –овқат хом-ашёси ва тайёр махсулотлар таркибидаги умумий кислоталилик даражасини аниқлаш услублари

керакли жихоз ва реактивлар ;

потенциометр ,колба, филтр қоғози, пипетка натрий гидроксид эритмаси фенолфталеин.

Мева ва сабзавотларда эркин холдаги кислоталар билан биргаликда уларнинг нордон тузлари ҳам мавжуд. Бундай кислоталарга олма ва лимон кислоталарини мисол қилиш мумкин.

Мевалар шарбатининг кислоталилиги куйидагидан кам бўлмаслиги керак;

Узумники -0,2% , олманики- 0,3 %, мандарин -0,5 %, олвали- 0,8 %.

Умумий кислоталилик деб махсулотни ишқор билан титрланган хама нордон қисмига айтилади. Шунинг учун махсулот таъмидаги нордонлик унинг таъмидаги кислоталар ва уларнинг тузлари гидролизланиш

